

Китоб ҳадя қилган инсонларни қадрлаш



09:00 / 25.01.2023 2446

Яхши кўрган инсонингизни қадрлашингизнинг, унга ғамхўрлик қилишингизнинг энг афзал йўли — бу унга охирати учун фойдали бўлган китоб ҳадя қилишингиздир. Сиз ҳадя қилган китобни ўқиб чиқиши унинг охират кундаги азобдан қутилишига, жаннатда даражаси юксалишига, Аллоҳнинг розилигини топишига сабаб бўлиши мумкин.

Имом Бухорий «Адабул муфрад»да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўзаро ҳадя улашинглар ораларингизда муҳаббат пайдо бўлади», деганлар.

Агар сизга кимдур шариатимизга оид китоб ҳадя қилса, демак у инсон сизнинг тақдирингизга бефарқ эмас экан.

Ҳаммамиз биламиз, инсон ўзи яхши кўрган нарсани яхши кўрган инсонига ҳам раво кўради ва ўзининг охирати учун қандай қайғурса, яхши кўрган инсони учун ҳам худди шундай қайғуради. Аллоҳга ҳақиқий иймон

келтирган, бир бирини Аллоҳ учун яхши кўрган иккита мўминнинг муомаласи шундай бўлади.

Бухорий ва Муслим Анас розияллоҳу анҳудан қилишган ривоятда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳеч бирингиз ўзи учун яхши кўрган нарсани биродарига ҳам раво кўрмагунча (комил) мўмин бўла олмайди», деганлар. Ва яна икковлари Нуъмон ибн Башир розияллоҳу анҳудан қилишган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «Мўминларнинг ўзаро раҳм қилишлари, дўстликлари ва меҳрибончиликларида худди бир танадек эканини кўрасан. Бирор аъзо хасталанса, тананинг қолган жойлари бедорлик ва иситмалаш билан унга ҳамдард бўлади».

Шунинг учун биродарлар бир биримизга Аллоҳга яқинлаштирадиган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини ўргатадиган, охиратимиз учун фойдали бўладиган китоблар ҳадя қилайлик ва бизга китоб ҳадя қилган инсонларни қадрлайлик.

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф